

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Jild 3, Son 12/1

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 12/1 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳақимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодири Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Елмуратов Икматулла Гайбуллаевич</i> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ БИРИНЧИ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ТАРИХИ (1931-1936 ЙИЛЛАР)	12-18
<i>Qitaybekov Azizbek Kenesbek o'g'li</i> QORAQALPOG'ISTONDA HAVO TRANSPORTINING SHAKLLANISHIDA "DOBROLET" AKSIYADORLIK JAMIYATINING O'RNI	19-23
<i>Nawrizbaeva Nurjamal Qudaybergenovna</i> QORAQALPOQLARNING GILAMCHILIGI BILAN BOG'LIQ VA'ZI MAROSIMLAR	24-29
<i>Сайдуллаев Фаррух Умедулло ўғли</i> МУҲАММАД ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ЭТНОЛОГИК ВА ЭТНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРИ	30-35
<i>Berdiqulov Mirolim Tugalvoyevich</i> ТО'ДА-1 NEOLIT MAKONINING O'ZBEKISTON TOSH DAVRI ARXELOGIYASINI O'RGANISHDAGI O'RNI	36-40
<i>Olimjonova Gulida Olimjon qizi</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA DAVLAT VOJXONA XIZMATI ORGANLARI FAOLIYATI ..	41-47
<i>O'ng'alov Lazizbek Amiriddin o'g'li</i> NUROTA TOG' TIZMASINING TOSH DAVRI ARXELOGIYASINING O'RGANILISH TARIXI..	48-53
<i>Rahmonov Faxriddin Shoymardonovich</i> MILLIY DEHQONCHILIK MADANIYATINI ETNO-TARIXIY MANBALARDA AKS ETISHI (JANUBIY O'ZBEKISTON MISOLIDA)	54-58
<i>Tilavboyev Muhammad</i> JIZZAX VOHASIDA OT BILAN BOG'LIQ URF-ODATLAR VA MAROSIMLAR	59-63
<i>To'xtaboyev Xurmatullo Shomirza o'g'li</i> O'ZBEKISTON ILM-FANI RIVOJIDA FARG'ONA DAVLAT UNIVERSITETINING O'RNI (MUSTAQILLIK YILLARI MISOLIDA)	64-68
<i>Рахматиллаев Хасанбой</i> МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР ЭТНИК ТАРИХИНИ ЁРИТИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАР ВА УСУЛЛАРГА ДОИР	69-74
<i>Qurbonova Manzila Boqiyevna</i> BUXORO VOHASI MILLIY SHIRINLIKLARI VA ICHIMLIKLARI	75-80
<i>Ravshanova Gulora</i> QASHQADARYO VOHASIDA MUNTAZAM QUROLLI HARAКATLAR TA'MINOTI (XX-asrning 20- yillarida)	81-85
<i>Зарипбаев Уснатдин Оракбаевич</i> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ	86-90

<i>Baxronov Abdullo Haydar o'gli</i> O'ZBEKISTONDA TOSH DAVRI ARXELOGIYASINI O'RGANISHDA XALQARO EKSPEDISIYALARINING O'RNI	91-95
<i>Maxmatqulov Jasur Isroil o'g'li</i> GIYOHVANDLIKKA QARSHI KURASH MAVZUSINING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI	96-101
<i>Esanova Nilufar</i> O'ZBEKISTON-TURKIYA HAMKORLIGI VA UNING NATIJASI (TO'QIMACHILIK SANOATI MISOLIDA)	102-106
<i>Норбоев Сарвар Қахрамон ўғли</i> АФРОСИЁБДАГИ СЎҒД МУДОФАА ДЕВОРИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ (XX АСРНИНГ 50-80-ЙИЛЛАРИ).....	107-111
<i>Эсонов Зиёдбек Юлдашевич</i> ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИ ТЎҒИМАЧИЛИК ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ АНЪАНАЛАРИ	112-117
<i>Tishabayeva Irodaxon Rasulovna</i> 1960-1970 YILLARDA O'ZBEKISTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI	118-124
<i>To'xtamishева Fotima Musurmonovna</i> MUSTAQILLIK YILLARIDA QASHQADARYO VOHASI KASHTADO'ZLIGIDA O'ZGARISHLAR.....	125-132
<i>Sattorov Nurbek</i> SHIMOLIY BAQTRIYA VA ZARAFSHON MINTAQALARIDA DEHQONCHILIK VA CHORVACHILIK MADANIYATI SOHIBLARI ETNOMADANIY ALOQALARINING O'ZBEK XALQI ETNOGENEZI SHAKLLANISHIDAGI O'RNI	133-138
<i>Hazratov Nurali Burxon ug'li</i> QADIMGI KESH VILOYATI HUDUDIDAGI ARXELOGIK YODGORLIKLARINING O'RGANILISH TARIXIDAN	139-144
<i>Mamatqulov Bekzod Sherzovich</i> O'ZBEKISTONDA GAZ-OLTINGUGURT SANOATINING YUZAGA KELISHI VA UNING RIVOJLANISH TARIXI (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA).....	145-149
<i>Berdiyev Jamshid</i> VOHA JOY NOMLARINING SHAKLLANISHIDA ETNONIMLAR VA PATRONIMLARNING TUTGAN O'RNI	150-155
<i>Djurakulov Sherzod Davronovich</i> SAMARQAND VILOYATI HUDUDIDI TOSH DAVRI ARXELOGIYASINING O'RGANILISHI TARIXI	156-161
<i>Қурбанова Дилрабо Шерипбоевна</i> ПАРЛАМЕНТ ТАРИХИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ	162-172

<i>Зухриддин Болтаевич Жунаев</i> ХОРАЗМДА РЕСПУБЛИКА ТУЗУМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР (1920-1924 йиллар)	173-181
<i>Mamadiev Voxodir Bobojonovich</i> QASHQADARYO MUZEYIDAGI NODIR OSTODON	182-186
<i>Norqo'chqarov Xushvaqt Eshnazarovich</i> AFG'ONISTONDA O'ZBEK TILINING QONUNY ASOSLANISHI, O'ZBEKLAR IJTIMOYIY-MADANIY HAYOTIDAGI O'RNI (XX ASR – XXI ASR BOSHLARI)	187-197
<i>Ибрагимов Рахмон Зиёдуллаевич</i> ТОШКЕНТ ВОҲАСИ СЎНГГИ БРОНЗА ДАВРИ ТАРИХИ ТИЗИМИДА: ДАФН УДУМИ ВА МИГРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ	198-203
<i>Азаматова Гулмира Байирбековна</i> ОДАМ САВДОСИГА УЧРАГАН МИГРАНТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАҚИДА БАЎЗИ МУЛОҲАЗАЛАР	204-208
<i>Tishabayeva Iroдахon Rasulovna</i> 1960-1970 YILLARDA O'ZBEKISTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI	209-215
08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ	
<i>Ostonokulov Azamat Abdukarimovich, Inoyatov Mardonbek Mo'min o'g'li</i> DAVLAT SEKTORIDA ICHKI AUDITNING XALQARO STANDARTLARI	216-226
<i>Kurbaniyazov Shaxzodbek Karimovich</i> O'ZBEKISTONDA KORPORATIV BOSHQARUV TASHKILIY- IQTISODIY MEKANIZMI SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING NAZARIY VA USLUBIY ASOSLARI	227-232
<i>Отабеков Отажон Ғайрат ўғли</i> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОПТИМАЛ СОЛИҚ ЮКИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МАСАЛАЛАРИ	233-243
<i>Шакирова Фароғат Болтаевна</i> ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ	244-255
<i>Мамбетназаров Бахыт Бисенбаевич</i> ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	256-263
<i>Jumaniyazova Ro'za Quvondiq qizi</i> TURIZM INFRATUZILMASI TUSHUNCHASI VA UNING O'ZIGA XOS JIHATLARI	264-269
<i>Matniyozov Murodjon Rajabbayevich</i> DESTINATSIYA IMIDJINI SHAKLLANTIRISHDA TURISTLARNING SODIQLIGI VA QONIQLASHINING AHAMIYATI	270-278

<i>Хамидова Зарифа Урол қизи</i> ДАВЛАТ СЕКТОРИДА ИЧКИ АУДИТ ВА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	279-291
<i>Toshaliyeva Saodat Toxirovna</i> KICHIK TADBIRKORLIK TUSHUNCHASI VA UNING IJTIMOIIY-IQTISODIY MONIYATI	292-296
<i>Худойназаров Фахритдин Хаитович</i> ИБН ХАЛДУННИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАВСИЯЛАРИ	297-304
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i> GASTRANOMIYANING TURIZM RIVOJLANISHIDAGI ANAMIYATI	305-313
<i>Кадырова Шарофат Амоновна</i> ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ	314-323
<i>Бегматова Зиёда Захиджановна</i> ДАВЛАТ ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИ АСОСИДА КАДРЛАР БАНДЛИГИНИ ВА УЛАРГА ТАЛАБНИ БАҲОЛАШ	324-332
<i>Shafkarov Bakhrom Khudoyberdievich</i> TERRITORIAL FEATURES AND THEIR EFFECTIVE USE IN THE CULTIVATION OF VITICULTURE PRODUCTS	333-340
<i>Masharipova Fazilat Axmedovna</i> OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING ANAMIYATI	341-348
<i>Мусинов Дилшод Султанович</i> ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГИ ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛИ СИФАТИДА	349-359
<i>Шакирова Юлдуз Сайдалиевна</i> ВОПРОСЫ РАЗРАБОТКИ ДОРОЖНОЙ КАРТЫ АКТИВИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ	360-368
<i>Абдивоҳидов Мамуржон Авазхон ўғли</i> РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ МАЗМУНИ, ТАВСИФИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	369-380
<i>To'xtasinova Muxayyo Mirzasultonovna</i> DAVLATNING INNOVATSION TIZIMINI SHAKLLANTIRISH MASALASIGA	381-388
<i>Қурбанова Раҳима Джамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна</i> РОЛЬ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В СТИМУЛИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ	389-403
<i>Набиева Нилуфар Муратовна</i> ОСОБЕННОСТИ КОМПЛЕКСА МАРКЕТИНГОВОГО ПРОДВИЖЕНИЯ КОМПАНИИ В ЦИФРОВОЙ СРЕДЕ	404-416

<i>Safarov Radjabboy Eshmuxammadovich</i> KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISHDA INDIVIDUAL DAROMADGA SOLIQLAR MEKANIZMIDAN SAMARALI FOYDALANISH MASALALARI	417-428
<i>Sharipova Zulayho</i> SANOAT TARMOQLARI KLASTERLARINI RIVOJLANTIRISH VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI	429-434
<i>Шарипов Акбар Илхамович</i> ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГНИ РОЛИ	435-440
<i>Хаджаев Хабибулла Сагдуллаевич</i> ОБЪЕКТИВНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ И ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ АНТИМОНОПОЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ В РАЗВИТИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ	441-447
<i>Хамзайева Дилфуза Самаровна</i> SURXANDARYO VILOYATIDA TURISTIK MAHSULOTLARNI BAHOLASH VA SAMARALI RIVOJLATIRISH IMKONIYATLARI	448-452
<i>Усманова Насиба Акбаржоновна</i> ПУТИ РАЗВИТИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В СФЕРЕ УСЛУГ	453-459
<i>Исхакова Сарвар Аюбовна</i> ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА ЗАНЯТОСТЬ И КВАЛИФИКАЦИЮ ПЕРСОНАЛА В СФЕРЕ БЫТОВОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ	460-467
<i>Ollanazarov Bekmurod Davlatmurotovich</i> INNOVATSION TADBIRKORLIKNI MOLIYALASHTIRISHDA MUQOBIL MOLIYALASHTIRISH VOSITALARIDAN FOYDALANISH VA UNI TURISTIK XIZMATLAR SOHASIDA QO'LLASH IMKONIYATLARI	468-479
<i>To'uchiyeva Nodira G'ulom qizi</i> OLIY TA'LIMNI BOSHQARISHDAGI INNOVATSIYALAR. CHAT GPT YOHUD SUN'IY INTELLEKT	480-485
<i>Абдурахимова Саида Аҳмаджановна, Адилова Гўзал Абзаловна</i> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ	486-494
<i>Maxsudov Sherzod Solijonovich</i> TO'QIMACHILIK SANOATI KORXONALARIDA INVESTITSION MUHIT JOZIBADORLIGINI BOSHQARISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI	495-500
<i>Tadjibekova Dilnoza Bakhtiyarovna</i> ENHANCING FINANCIAL RESOURCE FORMATION IN BUSINESSES	501-506
<i>Radjabova Malika Ziyodullayevna</i> AHOLI BANDLIGINI TA'MINLASH ISTIQBOLLARI XUSUSIDA	507-512

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Asraqulova Adiba Nabiyevna</i> ZAMONAVIY DAVRDA IQTISODGA FALSAFIY QARASHLAR	513-520
<i>Жўраев Аҳмад Муҳаммадиевич</i> ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК ҲОЯЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ	521-530
<i>Гуламова Мавжуда Ташпулатовна</i> АХМАД ЗИЁУДДИН АЛ-КУМУШХОНаВИЙ АСАРЛАРИДА КОМИЛ ИНСОН ҲОЯЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ	531-538
<i>Abduxolikova Nasiba Alijonovna</i> YOSHLARNING ONLAYN TA'LIM JARAYONIGA TA'SIR ETUVCHI IJOBiy SALBIY OMILLAR	539-544
<i>Yazdonov Zikirillo Shukurilloevich</i> QALANDARIYLIK VA UNING INSON, JAMIYAT TIZIMIDAGI O'RNI	545-552
<i>Sharipova Barno Salimovna</i> BIOETIK MADANIYATNING RIVOJLANISH BOSQICHLARI VA UNING ZAMONAVIY IMIJI	553-558
<i>Xalikulova Umida Rustamovna</i> AXBOROT MUHITINING OLIY TA'LIMGA TA'SIRI: KONSTRUKTIV VA DESTRUKTIV OMILLAR	559-564
<i>Abbasova Maftuna Subxonovna, Temirova Xurshida</i> OILA VA NIKOH MA'NAVIYATI, OILANI MUSTAHKAMLASH OMILLARI	565-571
<i>Tog'ayev Nodirjon Ergashevich</i> AJDODLARIMIZ BOY ILMIY MEROSINING O'ZBEKISTONDA MA'RIFATLI JAMIYAT QURISH HAMDA YOSHLAR TARBIVASIDA TUTGAN O'RNI	572-576
<i>Kipchoqov Xomidjon Gulomovich</i> JAVOBGARLIK PRINSIPINI SHAKLLANTIRISH AXLOQSHUNOSLIKNING ASOSIY MASALASI SIFATIDA	577-581
<i>Raximova Rayxon Abdurasulovna</i> ZAMONAVIY OILADA MA'NAVIY-AXLOQIY QADRIYATLARNI SHAKLLANTIRISH: MUAMMONING NAZARIY VA USLUBIY TAHLILI	582-586
<i>Агзамова Нилюфар Шухратовна</i> "АДАБ АЛЬ-ТАБИБ" КАК ИСТОЧНИК НАЦИОНАЛЬНОЙ БИОЭТИКИ	587-591
<i>Axmadiyev Nuriddin Muxutdinovich</i> INTELLEKTUAL MADANIYAT YOSHLARNING INNOVATSION FAOLLIGINI OSHIRISHNING MUHIM MEZONI SIFATIDA	592-596
<i>Nabiyev Mansur Jamxur o'g'li</i> DEMOKRATIK JAMIYAT TARAQQIYOTIDA IJTIMOY G'OYALAR EVOLYUTSIYASI VA MODERNIZATSIYASI	597-603

<i>Kenjayeva Dilrabo Romanovna, Xaydarova Larisa Sunnatovna</i> GLOBALLASHUV SHAROITIDA MILLIY MADANIYAT SOHASIDAGI O'ZGARISHLARNING O'ZIGA XOS JIHATLARI	604-609
<i>Abduraximova Tursunoy Abduvoxid qizi</i> O'ZBEKISTONDA OLIY TA'LIM TRANSFORMATSIYASINING FALSAFIY MOHIYATI	610-615
<i>Tagayev Ganisher Xasanovich</i> YOSHLAR ETNOESTETIK DUNYOQARASHINI RIVOJLANTIRISHDA BADIY-ESTETIK OMILLARNING O'RNI	616-625
<i>Шоназаров Жамшид Шуҳратович</i> БЕҲБУДИЙ ВА УНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ҲОЯСИ	626-630
<i>Ҳамраев Сирож Абруевич</i> ЖАМИЯТ ЯНГИЛАНИШИ ВА ТАДБИРКОР МАЪНАВИЯТИ	631-637
<i>Nabiyev Bekzod Muxammadumarovich</i> MAFKURAVIY ISHLARNI TASHKIL ETISHDA ZAMONAVIY TARG'IBOT TEXNOLOGIYALARI: O'ZBEKISTON VA XORIY TAJRIBASI	638-642
<i>Hashimova Gulsina Ismoyilovna</i> HARBIY IJTIMOYIY ISH VA HARBIY MADANIYATNING HARBIY XIZMATCHILAR FAROVONLIGINI TA'MINLASHDAGI ROLI	643-648
<i>Karimova Gulnoza Yigitaliyevna</i> AXLOQIY MADANIYAT TUSHUNCHASINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOYIY ZARURIYATI	649-655
<i>Sharipova Kamola Usmonjonovna</i> YANGI O'ZBEKISTONDA GENDER TENGLIKNI TA'MINLASH BO'YICHA ILG'OR XORIJIY DAVLATLAR TAJRIBASINI MILLIY STRATEGIYAGA TRANSFORMASIYALASH ISTIQBOLLARI	656-661

09.00.00- Фалсафа фанлари

Шоназаров Жамшид Шухратович
Қарши давлат университетининг
Педагогика институти доценти

БЕҲБУДИЙ ВА УНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ҲОЯСИ

Аннотация. Мазкур мақолада Махмудхўжа Беҳбудийнинг давлатчилик, ва давлат бошқарувига оид бўлган ижтимоий-сиёсий қарашлари таҳлил қилинган. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий муҳит, минтақада давлат бошқаруви усулларини шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий фалсафий фикрлар илгари сурилган.

Таянч тушунчалар: Махмудхўжа Беҳбудий, жадидчилик, давлат бошқаруви, саёҳат, сиёсат, ахлоқ, идора усули, ҳокимият, Туркистон ҳукумати, Мажлиси Уламо, Кенгаш, Европа давлатлари, мустақиллик, сиёсий тузум, Республика, демократик ҳуқуқ.

Shonazarov Jamshid Shukhratovich
Associate Professor at the Pedagogical Institute of
Karshi State University.

BEHBUDI AND HIS STATE IDEA

Abstract. This article analyzes Mahmudkhoja Behbudi's socio-political views on statehood and public administration. The socio-political environment in Turkestan, scientific and philosophical ideas aimed at shaping and improving public administration in the region.

Keywords: Mahmudhoja Behbudi, Jadidism, public administration, travel, politics, ethics, governance, power, Turkestan government, Majlis Ulema, Council, European countries, independence, political system, Republic, democratic law.

Шоназаров Джамшид Шухратович –
Доцент Педагогического института
Каршинского государственного университета.

БЕХБУДИ И ЕГО ГОСУДАРСТВЕННАЯ ИДЕЯ

Аннотация. В данной статье анализируются общественно-политические взгляды Махмудходжи Беҳбудии на государственность и государственное управление. Общественно-политическая обстановка в Туркестане, научные и философские идеи, направленные на формирование и совершенствование государственного управления в регионе.

Ключевые слова: Махмудходжа Беҳбудии, джадидизм, государственное управление, путешествия, политика, этика, управление, власть, Туркестанское правительство, Меджлис улемов, Совет, европейские страны, независимость, политическая система, республика, демократическое право.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I12.1Y2023N86>

Маҳмудхўжа Беҳбудий XX аср бўсағасидаги Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаракатчилигининг энг йирик намояндаси, янги давр ўзбек маданиятининг асосчисидир. Туркистон жадидларининг тан олинган раҳнамоси, мустақил жумҳурият ғоясининг яловбардори, янги мактаб ғоясининг назарийчиси ва амалиётчиси, ўзбек драматургиясини бошлаб берган биринчи драматург, театрчи, ношир, журналист. У тарихимизнинг ғоят оғир ва мураккаб бир даврида яшади. Марказий Осиёда XVI асрдан бошланган ижтимоий инқироз ва давлат бошқарувидаги турғунлик, ўзаро жанжал, маҳаллий уруғчилик низолари миллат ва халқни тобора ҳолдан тойдирган, бундай имкониятдан фойдаланиб ўлкани забт этган Чор Россияси ҳукумати зўр бериб, уни турғун ва тутқун сақлашга уринарди. Мана шундай бир шароитда Ватанни бутунлай йўқ бўлиш хавфидан сақлаб қолиш, авлодларни эрк ва озодлик, мустақиллик руҳида тарбиялаш, маърифат ва тараққиётга бошлаш жадидлар номи билан тарихга кирган Беҳбудий бошлиқ фидойи зиёлилар зиммасига тушди. Миллий менталитетимизга хос бўлган миллий давлатчилик бошқарувимизнинг шаклланиш ва такомиллашиб бориш жараёнларини Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, унинг бундай долзарб мавзуга бағишланган дардли асарлари орқали илмий асослашга ҳаракат қилдик. Беҳбудий яратган давлатчилик фалсафасида халқаро муносабатлар ва у билан боғлиқ бўлган сиёсий жараёнларнинг такомиллашиб бориши, аксинча, миллатимизга хос бўлган ўша даврдаги аянчли иллатларнинг, айниқса, ахлоқсиз қадриятларнинг борган сари урчиб бориши “... миллатимизни кемираётган иллатлар...” сифатида таҳлил қилинади. Ана шундай ижтимоий сиёсий таҳлиллар ва кузатишларга бой бўлган Беҳбудий ҳазратларининг давлат, давлат бошқаруви, Туркистон мухторияти ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари, лойиҳаларини ахлоқ фалсафаси нуқтаи назаридан ўрганиш бугунги кун учун долзарб аҳамият касб этади. Зотан бу сиймонинг Ватанга садоқат, унинг келажаги ҳақидаги орзу ниятлари ва дунёқараши бугунги давлатимиз миллий истиқлол мафкураси билан ҳамоҳангдир. Беҳбудийнинг сиёсий-ижтимоий ва ахлоқий қарашлари шаклланишида саёҳат, юрт кезиш, дунё илми ва тажрибасини ўрганиш, айниқса катта роль ўйнайди. У қаерга борган бўлмасин, ўша ерда идора усули билан, жамиятнинг демократик жараёнлари билан қизиққан. Шу нуқтайи назардан қараганда, ўзи асос солган “Ойна” журналининг 1914-1915 йиллардаги бир қанча сонларида босилган Беҳбудийнинг “Саёҳат хотиралари”га назар ташлаш адиб ва унинг дунёқараши тўғрисида муайян тасаввур ҳосил қилишимизга имкон яратади. Жумладан, немис олимаси Ингебор Балдауфнинг орифона кузатувиға ҳам қўшилиш жоиз. У ҳам ушбу масала тўғрисида сўз юритиб, агар “Ойна” Париждан то Японияга қадар бўлган дунёни Ўрта Осиё буржуазиясига кўрсатган бўлса, “Саёҳат хотиралари” Туркистон қаршисидаги мусулмон Шарқини кашф этиб берди”, деб ёзган[1:3]. Шубҳасиз, Беҳбудий ўз халқининг келажagini фақат маърифат масалалари билангина боғлаб қўймаган. Ҳар тарафлама маълумотга эга бўлган аллома ўз халқининг келажаги қандай кечиши лозимлиги масаласи билан ҳам қизиқиб, бошқа давлатларнинг сиёсий тузумини ўрганган ва қайси давлат тузумидан андоза олиш мумкинлиги борасида бош қотирган. У ўз халқи тараққиётини нафақат маърифати, балки унинг сиёсий мақоми кескин ўзгаришида, ўз мустақиллигини қўлга киритишда, деб билди. Мустақилликка эришиш йўлидаги энг

муҳим қадамлардан бири, Беҳбудий наздида, ёшлар ва кекса авлод вакилларининг бирлашувидир. Ёш авлод ўзидаги шошқалоқлик иллатидан қутулиб, масалаларни ҳал қилишда илмий асосларга суяниб иш кўриши ва мустаҳкам ирода намоён этиши кераклигини таъкидлаган. Афсуски, тан олади Беҳбудий, ўзим тез ва шошилиш чоратадбирлар кўриш тарафдори эдим, лекин ҳаммаси режа асосида амалга оширилиши ва кекса авлод ёшларини миллат равнақи йўлида меҳнат қилиб курашиш имкониятларидан маҳрум қилмаслиги керак, деб фикрлаган. Беҳбудийнинг 1905 йил нашр этилган “Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий” (“Умумий жуғрофиядан сайланма китоб”) деган асарининг маълум қисми дунё кишиларинг маиший ҳаётларига, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий масалаларга бағишланган. “Ер юзидаги бадавий (маданиятдан узоқроқ) ва маданий халқларни ҳукмдор ва сардорлари бўладурки, – деб бошланади “Ҳукумат ва ҳукмронлар” фасли, бек, амир, шоҳ ва бошқа исм ва луғатлар ила атайдурлар. Ҳар бир тильда ҳукмдорларни луғати бошқадур. Оврупо халқи императўр, қирол, дўқа, принс, президент, княз, тсар (сар) ва бошқа луғатлар ила аталган ҳар бир ҳукмдорни мартаба ва ҳукумати бошқа навъдур” [2:4].

Беҳбудий замонасидаги мавжуд идора усуллари ҳақида фикр юритиб, уларни уч гуруҳга бўлади: **1. Идораи мустақалла (давлат бошқарувининг монархия кўриниши).** **2. Идораи маршрута (конституцияли парламентли ҳокимият).** **3. Идораи жумҳурият (Республика).** Беҳбудий бу идора усулларини шундай изоҳлаган: **1.** “Ани устидан қарагувчи подшоҳ соҳиби ихтиёр ва ҳар бир ройи ва амри зақун ва низом бўладур. Амри, ҳукми маслаҳатхоналарни иттифоқи, хоҳиши, ҳукму ўшал императорни мустаҳкам қилиш имзосиға мавқуфдур. Шундай императорларни янгидан мансуб бўлиши ҳар бир давлат ва ҳукуматда муқаррарий қонун ва одатлар бўйча мерос ёинки валиаҳдлик қоидалари ва ўшал ҳукуматни қўйган “тартиб ва тадбирға мувофиқ бўладур”[2:5]. Демак, XX аср бошларидаги Европа давлатларида ҳаракатда бўлган уч сиёсий тузумдан бири монархия бўлиб, унда салтанат эгаси бўлган кишининг хусусий қарашлари устувор аҳамиятга эгадир. **2.** Идораи маршрута – “... бу ҳукуматға тобеъ одамлар аксар аҳли илм ва ҳунардурулар. Элу уруғлари илм, ҳунар ва дунё ишлариға тараққий қилгандурки, шу тариқа фуқаролар ўз ароларидан инсонлик, илм ва дунёдан хабарлик одамларни ўзлариға катта ва бошқарғувчи вакил сайлайдурлар ва шул тариқа сайланган вакилларни подшоҳ жамлаб, муқаррарий маҳкамаларга мамлакатдорлик ишлариға аралашиб, машварат ила тузатилмоқ ва муҳофазат қилинмоқиға кўз бўлмоқлари учун қарор берадурки, аларни(нг) мажлис ва маҳкамаларни “Миллат мажлиси”, “маслаҳатхона”, “парламенту”, “Эл мажлиси” деган исмлар ила ёд қилинадур. Яна баъзи маслаҳатхоналар борки, маслаҳатбошиларни, ҳукмдорларни (подшоҳнинг) ўзи тайин қиладур. Ушбу миллат мажлисини (нг) чилон (аъзо)лари машварат ила мамлакатдорлик ишлариға аралашадур. Подшоҳ бу мажлис амриға тобеъдур. Мажлис маъбусон (депутатлар)ни(нг) ройи бўлмагунча катта ишларнин бошланмоқиға амр ва ҳукум қилолмайдур. Хулоса, император соҳиб ихтиёр бўлмай, дурустроқ ишларға қонун ва низомларни чиқарилмоқиға бутун эл мажлисиға тобеъ бўлиб турадур”[3:42]. Беҳбудий таснифидаги иккинчи давлат тузуми, бугунги атама билан айтганда, парламентар республикадир. Давлат қурулишининг бу турдаги подшоҳ ё салтанат раҳбарининг мавжуд бўлишиға қарамай, парламент ё “миллат мажлиси” унинг раъйига эмас, аксинча, у шу ташкилот аъзоларининг раъйига қарайди ва унинг қонунларига бўйсинади. **3.**

“Идораи жумхурият” аксар фуқароси аҳли илм бўлиб, бу аҳли дониш аҳолини сайлаган вакиллари, яъни ҳукуматга етти йилгача ўз мамлакат ва ҳукуматларини бошқармоғи учун ўз ораларидан бир нафар донишманд одамни бошлиқ сайлайдурларки, “раиси жумхурият”, “садрнишини миллат”, “президент” аталадур. Бу раис гўё бир оризий (вақтинча), омонат подшоҳдир. Ҳар бир ҳукм ва амру тартибни, мамлакат ва кўйга тааллуқ ишни, Миллат мажлисини(нг) қилиб берган дастурламал, яъни қонун ва низом номалариға мувофиқ қилиб, бутун элга тобеъ, аларни(нг) ҳукму талабларини ўрниға келтирувчидур. Бу икки тоифани(нг) подшоҳи баъзи мамлакатдорлик мутасадиларини тафтиш қилмоқға, терғовға бермоқға, ҳатто, ўшал соатда бирдан бекор қилдурмоқға баъзи Миллат мажлисларини(нг) ихтиёри бордур. Ҳозирги Оврупо ҳукуматларини(нг) рафтори, одати шу уч усулни(нг) бирига дохил, тобеъ ва мувофиқдур. Бу икки тоифани подшоҳи баъзи мамлакатга “Элга тобе бўлубтурарман”, деб қасам ичиб, баъд мансабға чиқадур. Мустақил ҳукумдорларни(нг) қўл остида ҳам мажлислар ва машварат маҳкамалари бордур. Илмсиз ҳукуматлардек неча милйўн халқни(нг) маишати, рафтори, ихтиёри бир нафар одам (подшо) ни(нг) ихтиёр ё ройи ва ҳукмиға йўқдур. Бир нафарни(нг) ақли, фикри ила ўн нафар аросида на қадар фарқ бордур? Ушбу сабаблардандурки, озгина Оврупо халқи бутун қурраи арзга ҳоким ва мутасарриф (эга) дурлар. Сабаб: ҳукумат, илм ва дароят, қонун, мусовот (тенглик), машварат (маслаҳат) ва тадбирдур” [4:146]. Тарихий-маданий анъаналар орқали мустақилликка эришиш ва “мажлиси уламо”ни (яъни, ҳозирги истилоҳдаги парламентаризмни) шакллантиришнинг тарафдорлари жаидлар эди. Жаидлар сиёсий оқим сифатида пайдо бўлган. Тўғри, жаидлар ҳам “қадимийлар” ва “замонавийлар”, яъни консерваторларга ва либерал демократик ғоялар тарафдорларига бўлинган. Шарқшунос олим Закий Валидийнинг эсдалигидан бу ёндашувлар орасидаги фарқни англаб олиш қийин эмас. “Бугунги турк эли (Туркистон) ва яқин тарихи” асарида у 1917 йид апрель ойида ўтказилган “Туркистон мусулмонларининг биринчи конгреси” ҳақида бундай деб ёзади: “Конгресда зиёлиларнинг бир қисми (билқисса Чуқаев ва Шоҳинахмедов), қозондан келган вакиллар (Оренбургда чиқаётган “Вақит” газетаси муҳаррири Кобир Бекир ва ҳукумат аъзоси сифатида Тошкентга келган Садри Мақсудийларниг) таъсири остида Туркистоннинг бошқарув усули масаласида федерацион қурилиш фикрига муҳолиф бўлдилар. Мунавварқори ва унинг айрим дўстлари ҳам тарадудда қолдилар. Фақат Махмудхўжа Бехбудий билан мен автономия ва федерация фикрини ёқлаб, охиригача бу ишончимизда мустақил турдик.» [5:357] Европа мамлакатларидаги давлат бошқарув тузумини Бехбудий уч гуруҳга ажратади. Бу давлат тузумлари ўртасидаги фарқни ҳам шу давлатлар тасарруфидаги халқнинг илмли-илмсизлиги, маърифатли-маърифатсизлиги билан боғлайди. Халқ қандай маданият ва маърифат босқичига кўтарилган бўлса, уни идора этаётган сиёсий тузумнинг ҳам шу халқ даражасини акс эттириши мумкинлигига эътиборини қаратади. Хулоса қилиб айтганда, Бехбудий ўзи яшаган даврдаги Туркистондаги рус чоризми ва вақтли ҳукуматнинг мустамлакачилик сиёсатини фош қилади ва ўша даврдаги қонунларни танқид қилади. Ўзининг китоб ва мақолаларида Туркистоннинг сиёсий ва ижтимоий аҳволига эътиборни қаратади ҳамда озодлик ва мустақиллик учун халқнинг ижтимоий ва сиёсий онгини ошириш орқали эришишни таъкидлайди. XX аср бошларидаги Европа давлатларида ҳаракатда бўлган уч сиёсий тузумни чуқур ўрганган,

унинг салбий ва ижобий томонларини кўрсатиб очиб берган ва улардан керак бўлса андоза олиш лозимлигини таъкидлаган... Беҳбудийнинг дунёқараши ўз даврида мавжуд фикр, ғоя ва сиёсий таълимотлар орасидан шарқий таълимотларга мос келадиган, лекин Европа сиёсий таълимотларининг қимматли томонларини қамраб олган ҳолда шаклланди. У жаҳид эди, шу дунёқарашни бойитди ва тинмай уни жамиятга татбиқ этиш йўлини излади. Жаҳидлар Туркистонда республика ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонунларни нашр этиш, ҳокимият, бошқарув ва суднинг олий органларини ташкил қилиш, давлат тузилмаларини яратиш ва ҳоказоларга жиддий эътибор билан қараганлар. Шу тариқа демократик жамиятни шакллантириш устувор мақсад қилиб қўйилган. Унда демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилиши ва конституциявий кафолатланиши масалалари кўзда тутилган. Бу борада Беҳбудийнинг “Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси” [4:146] номли дастури бевосита жаҳидчиларнинг Туркистонда демократик давлат қуришнинг назарий асосларини яратишга бўлган интилишлари, деб қараш мумкин.

Хулоса. М.Беҳбудий миллий тил масаласига катта эътибор қаратди. Биргина унинг “Ойна” журнали маърифат ва маданият тарқатишда жуда катта хизмат қилди. Унда миллат ва унинг ҳақ-ҳуқуқига, тарихига тил-адабиёт масалаларига, дунё аҳволига доир қизиқарли мақолалар, баҳслар бериб борилган. Айниқса, тил масалалари муҳаррирнинг ҳамиша диққат марказида бўлган. Беҳбудий миллатнинг тараққиёти учун бир неча тил билишни шарт ҳисобларди. Масалан, журналнинг 1913 йил август, биринчи – нишона сонидеяқ, “Икки эмас, тўрт тил лозим” деган мақола билан чиққан эди.

2020 йилда халқимиз тарихининг мураккаб дамларида, маърифат машъаласини баланд кўтариб чиққан улуғ аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллиги кенг нишонланади. Мутафаккирнинг илмий, ижодий, педагогик фаолияти ва мероси алоҳида аҳамиятга молик. XX аср ўзбек адабиёти ва санъатида, ижтимоий-сиёсий жараёнларида фаол иштирок этган, миллат маърифати, озодлиги, ҳурлиги йўлида мардонавор курашган бу улуғ алломанинг сермашаққат ва сермахсул фаолияти тарих саҳифаларидан мангу ўрин эгаллади, авлодлар учун ибрат мактаби бўлиб қолди.

Адабиётлар / Литература / References

1. Балдауф Ингеборг. Маҳмудхўжа Беҳбудий Фаластинда, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”.-1993, 21 май.
2. М. Беҳбудий. Бизга ислоҳ керак. // Нажот 1917. №18. 7-ноябрь, (17 апрель).
3. М.Беҳбудий. Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий. Сочинитель издатель Самаркандец. 1905 г. – Б. 42.
4. М. Беҳбудий Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси // Жаҳон адабиёти. -Тошкент: 2009. -146-бет.
5. З.В.Туғон. Бугунги турк эли (Туркистон) ва яқин тарихи. Истанбул. 1981. 357-бет.
6. Т.Алимардонов. сиёсат ва ахлоқ мувозанати. – Т.: “Янги аср авлоди”. 2011. – 175.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 12/1 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).